

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮСУПАЛИЕВА ГУЛНОРА АКМАЛОВНА**

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ  
КЛИНИК-ЭХОГРАФИК ДИАГНОСТИКАСИ**

**14.00.09 – Педиатрия  
14.00.19 - Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Юсупалиева Гулнора Акмаловна**

Болаларда сурункали вирусли гепатитларни комплекс клиник-  
эхографик диагностикаси..... 3

**Юсупалиева Гулнора Акмаловна**

Комплексная клинико-эхографическая диагностика хронических  
вирусных гепатитов у детей ..... 31

**Yusupalieva Gulnora Akmalovna**

Complex clinical-sonographic diagnosis of chronic viral hepatitis  
in children ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 64

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮСУПАЛИЕВА ГУЛНОРА АКМАЛОВНА**

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТЛАРНИ  
КЛИНИК-ЭХОГРАФИК ДИАГНОСТИКАСИ**

**14.00.09 – Педиатрия  
14.00.19 - Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib29 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифасининг [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчилар:</b>	<b>Иноятова Флора Ильясовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
	<b>Фазилов Акрам Акмалович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тўйчиев Лазиз Нодирович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
	<b>Икромов Адхам Ильхамович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
	<b>Рашидов Зафар Рахматуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	Россия дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълим академияси, (Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( -сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизими учун XX-XXI асрларда сурункали вирусли гепатитлар (СВГ) билан касалланиш жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади. СВГ илк белгилари яширин кечиши сабабли, касаллик кеч аниқланиши ва кенг тарқалишига олиб келмоқда ва жигар циррози (30-70%), гепатоцеллюляр карцинома (5-30%) ривожланишигача бўлган оғир ва зўрайиб борувчи шакллари кўринишида тарқалиши кузатилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб аҳолига мутлақо янги, сифатли тиббий ёрдам ташкил этиш бўйича тизимли чоратadbирлар амалга оширилди ва соғлиқни сақлаш тизимининг самарали моделлари татбиқ этилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида, болаларда кечувчи СВГни барвақт ташхислашда, касалликни олдини олишда, жумладан СВГни фаоллик даражалари ва асоратларини илк белгиларини аниқлашга йўналтирилган нур ташхислашнинг энг янги тизимларини клиник амалиётга жорий этиш ҳисобига СВГни диагностикаси сифатини яхшилашда ижобий самараларга эришилди. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида, шу жумладан, нур ташхислаш бўйича, ўз ечимини кутаётган бир қатор вазифалар мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида болаларга тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида вазифалар белгиланган<sup>1</sup>. Шунга мувофиқ равишда, болаларда СВГда жигар ва талокдаги ўзгаришларни ўрганиш ва тиббий ёрдамни оптималлаштириш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

СВГ билан касалланиш даражаси, жигардаги патологик жараённинг ўз вақтида аниқланмаслиги, алоҳида ҳолатларда эса нотўғри ташхислаш муаммоси педиатрияда алоҳида долзарбликка эга. Пункцион биопсия жигар фиброзини ташхислашнинг «олтин» стандарти бўлиб ҳисобланади. Бироқ усулнинг инвазивлигини ҳисобга олиб, *sampling error* (тўқима локал соҳасининг жигардаги тотал жараёнга мос келмаслиги) билан контекстда натижаларни баҳолашда хатоларга йўл қўйилиши мумкинлиги ва болаларда биопсиядан фойдаланишда амалий чекловларнинг бўлиши ташхислашнинг бошқа янада қулай усулини ўрганишга мажбур қилади. Педиатрия амалиётида тўпланган тажриба ултратовушли ташхислашни (УТТ) ҳар жойда жорий қилиш ва кенг оммалаштириш зарурлиги ҳақида далолат беради. Болаларда жигар сурункали касалликларини оптимал, комбинирланган, ноинвазив, ноинвазивчи комплекс эхография ролини баҳолаш сурункали вирусли гепатит бўлган болаларда муаммо долзарблигича қолмоқда. Турли этиологияли сурункали вирусли гепатитларни ташхислашни яхшилашнинг янги йўллари ахтариш пациентларни олиб боришнинг кейинги

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

тактикаларини аниқлашга ва бир даражадан оғирроқ даражага ўтиш ҳолатини баҳолашга имкон берган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сон «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Болаларда СВГ ни комплекс клиник-нур ташхислашнинг замонавий ҳолатига бағишланган энг батафсил ва ҳар томонлама тадқиқотлар дунёнинг етакчи тиббий илмий марказлари ва тиббиёт олий ўқув муассасалари, шу билан бир қаторда Center for Liver Disease and Transplantation at Weill Cornell Medical Center in New York (USA), Children's Hospital of Wisconsin (USA), Porto Gastroenterology and Hepatology Training Center (Portugal), Yonsei University Hospital (South Korea), Medicin clinic Shwerpunkt hepatology and gastroenterology of Charite University (Germany) томонидан амалга оширилади.

Хорижий етук тиббиёт марказларида жигар патологиясининг нур диагностикасига йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор натижалар олинган. Катта ёшдаги беморларда кечувчи жигарнинг сурункали диффуз ўзгаришларида аъзонинг паренхимаси эластиклиги ва фиброз даражасини миқдорий ва сифатий баҳолашга имкон берувчи усул ишлаб чиқилган (Center for Liver Disease and Transplantation at Weill Cornell Medical Center in New York (USA)). Шунингдек, сурункали гепатит В ва С билан оғриган болалар ва ўсмирларда жигар ва ўт қопининг кулранг шкалали ултратовуш текширувлари, қон томирларининг доплерографияси ва фиброгастроскопия текширувлари ёрдамида касалликнинг фаоллик даражасини аниқловчи усуллар ўрганилган (Porto Gastroenterology and Hepatology Training Center (Portugal)). Жигар паренхимасининг ўчоқли ўзгаришларида фиброз даражаси ва тўқима зичлигини аниқловчи диагностика тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган (Medicin clinic Shwerpunkt hepatology and gastroenterology of Charite University (Germany)). Сурункали гепатит В ва С билан оғриган болалар ва ўсмирларда

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, [www.washington.edu](http://www.washington.edu), <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

аланинаминотрансфераза, СГВ вирусининг ДНК и ва СГС вирусининг РНК миқдорларини аниқлаб, жигарнинг ўнг бўлаги краниокаудал ўлчовлари ва жигар қон томирлари сурати билан солиштирган ҳолда, касалликни кечишини башорат қилиш усуллари ўрганилган. Сурункали гепатит В ва С асоратлари ривожланишининг ҳавф даражасини аниқлаш ва уларни илк даврдан ташхислаш жараенида ултратовуш усуллари имкониятлари ўрганилган (Yonsei University Hospital (South Korea)). Шу билан бир қаторда, сурункали вирусли гепатит билан касалланган болаларда ягона кулранг шкалани ултратовуш текширувни қўллаш етарли эмаслиги ва комплекс эхографик усулларнинг қўлланилиши зарурати исботланган (Children's Hospital of Wisconsin (USA)).

Дунёда болалардаги СВГни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича қуйидаги қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: болаларда жигарнинг сурункали диффуз касалликларини энг мақбул бўлган комбинирланган нур диагностикаси усулларини қўллаш; болаларда сурункали гепатитларда тизимли қон айланиши бузилишини ўрганишда комплекс эхография моҳиятини аниқлаш; касалликнинг клиник кечишига кўра гемодинамик ўзгаришларни баҳолаш мезонларини аниқлаш; комплекс эхографик текширувларни стандартизация қилиш йўли билан янада такомиллаштириш; болаларда сурункали вирусли гепатит В, С, D ларнинг фаоллик даражасига боғлиқ жигар ва қора талокнинг сифат ва миқдорий ўзгаришлари ҳақидаги объектив маълумотларни аниқлаб берувчи юқори информатив нур ташхислаш усулларини оптималлаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болаларда кечувчи СВГ кеч аниқланиши ва кенг тарқалиши, касалликни ташхислаш ва даволаш бўйича йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, замонавий жавоб берувчи диагностика жараёнига янгича ёндошув усулларини ишлаб чиқиш заруратига доир масалалар узоқ ва яқин хорижий давлатларда доимий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Ушбу касалликга бағишланган илмий ишлар ўрганилаётган муаммолар мажмуига тизимли ёндошиш билан ажралиб туради. АҚШ, Германия, Миср, Буюк Британия, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси олим –мутахассисларининг ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Япония, Германия, Голландия ва жанубий Кореянинг қатор ишлаб чиқарувчи мутахассислари янги инновацион уч ўлчамли технологияларни намоёни қилдилар: Multi-Slice View (MSV) ва Oblique View. Multi-Slice View технологияси, бунда компьютер томографияси ва магнит-резонансли томография каби хажмли маълумотни йиғиш ва берилган қадам билан А, В, С уч ўзаро перпендикуляр текислигида кесимларга бўлиб чиқиш имконияти мавжуд. Lucero C., Robert S., Brown Jr. (2016), Mobaraka L., Nabeelb M., Nassana E. et al. (2016) ва бошқа ҳозирги замон муаллифларининг маълумотларига кўра, юқори частотали чизикли датчик, доплерографиядан фойдаланиш билан ультра товушли текширувда В ва С сурункали гепатитлар билан оғриган болаларда, кам ифодаланган фиброзни (F1, F2) оғир фиброздан (F3, F4) дифференциация қилишга имкон берувчи, жигар

шикастланиши диагностик белгиларининг гурухи аниқланган<sup>3</sup>. Шу борада соғлом катта ёшдагилар ва болаларда жигар паренхимасининг қаттиклиги анча фарқ қилади, ва турли муаллифлар томонидан берилган параметрларни педиатрик амалиётда қўллаб бўлмайд<sup>4</sup>. Замоновий адабиётларда болаларда сурункали вирусли гепатитларни эрта ташхислаш мезонлари, комплекс клиник-нур тизимида уларнинг ролини аниқлаш мақсадида комплекс ултратовушли текширув – мултислайсли кулранг шкалалари эхогепатография, импульс-тўлқинли, рангли, энергетик доплерография, 3D /4D эхографиясини қўллаш зарурияти ёритилган<sup>5</sup>. Жигар диффуз касалликларида эхографиянинг уч ўлчовли (3D) ҳажмли, ноинвазив ва ноионловчи юқори информатив усулларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади<sup>6</sup>.

Россия Федерацияси етук мутахассисларининг ишларида жигарнинг сурункали диффуз патологиясида гепатопортал қон айланишини ўрганиш учун текширувнинг замонавий усуллари – доплерометрия билан ултратовуш, рентгенологик, радиоизотоп сканирлаш, контраст кучайтириш билан компьютер томография, магнит-резонанс томографиядан фойдаланишга бўлган интилиш ёритилган. Россиялик олимлар томонидан болаларда сурункали вирусли гепатитларнинг фаоллик даражасига кўра жигар фиброзининг кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар ифодаланган<sup>7</sup>.

Ўзбекистон олимлари ва тадқиқотчилари болаларда жигар касалликларида ултратовушли текширувнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштиришга салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Эхогепатографияни ишлаб чиқиш ва клиник жорий қилиш бошида профессор О.С.Махмудов туриб, ушбу усул кейинчалик Т.А.Даминов, Ф.И.Иноятова, А.А.Фозиловнинг илмий мактабида ривож топган<sup>8</sup>.

Бироқ юқорида келтирилган комплекс нур диагностикаси усулларини амалиётда қўллаганда педиатрия гепатологиясида жигарнинг сурункали диффуз касалликларини ташхислаш жараёнини бошқаришни оптималлаштириш бўйича дастурларнинг йўқлиги билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келди. Буларнинг барчаси болаларда СВГ ни ташхислашнинг ноинвазив, ноионловчи усулларига бағишланган текширувларни ўтказиш, олдимизда турган муаммонинг долзарблиги ва устуворлигини белгилаб берувчи босқичма-босқич комплекс клиник-лаборатор ва эхографик текширувларнинг самарали дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланди.

<sup>3</sup> Lucero C., Robert S., Brown Jr. Noninvasive measures of liver fibrosis and severity of liver disease. //Gastroenterology & Hepatology Journal. - 2016. - Vol. 12. - P. 33-40.

<sup>4</sup> Pavlides M., Banerjee R., Sellwood J., Kelly C.J., Jonathan C., Collier J., Neubauer S., Barnes E. Multiparametric magnetic resonance imaging predicts clinical outcomes in patients with chronic liver disease. // Journal of hepatology. – 2016. - V. 64, Issue 2. - P. 308–315.

<sup>5</sup> Saldera K, Naqvi F.N., Mahmood T., Shaikh S.S. Shear wave elastography assessment of liver fibrosis in a patient of chronic liver disease associated infected by hepatitis B and C. //Professional Med J 2016; 23(1): 99-103.

<sup>6</sup> Audsley J., Robson C., Aitchison S. et al. Liver fibrosis regression measured by transient elastography in HIV-HBV coinfecting individuals on long-term HBV-active cART. // Journal Infectious Diseases Society of America. - 2016.-Vol 5.- P.41-45.

<sup>7</sup> Пыков М.И. Детская ультразвуковая диагностика. // Гастроэнтерология. - Т.1, 2014. – 256 С.

<sup>8</sup> Даминов Т.А. Достижения ученых Узбекистана в решении актуальных проблем диагностики и лечения вирусных гепатитов В и С у детей. //O'zbekiston tibbiyot Jurnal. - Т., 2003. - #6-С. 18-24.



**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги Республика Ихтисослашган Педиатрия Илмий-Амалий Тиббий Маркази (ЎЗР ССВ ДИТК 2012й.дан рўйхат рақами № 002437) ва Тошкент Педиатрия Тиббиёт институтларининг (Давлат рўйхати № 01980006703) ИТИ режасига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** беморларни комплекс диагностика тизимида ултратовушли текширувларнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали болаларда сурункали вирусли гепатитларни ташхислашни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жигардаги патологик жараён фаоллик даражасига боғлиқ равишда болаларда сурункали вирусли гепатитларнинг клиник-лаборатор хусусиятларини ўрганиш;

комплекс ултратовуш текшируви: кулранг шкалали эхография, 3D/4D эхография, мултислайс эхогепатография қўллаш орқали болаларда СВГ фаоллик даражасини баҳолаш мезонларини аниқлаш;

жигарда кечаётган патологик жараённинг фаоллик даражасига боғлиқ равишда болаларда гепатопортал ва талоқ томирлари гемодинамикаси хусусиятларини ўрганиш;

сурункали вирусли гепатит билан касалланган болаларда касаллик фаоллик даражасига боғлиқ равишда фиброзни сифатий ва миқдорий баҳолаш учун эластографияни ўтказиш техникасини мукамаллаштириш;

СВГ билан касалланган болаларда жигар фибрози босқичини баҳолашда комплекс эхографиянинг ноионлаштируви, ноинвазив усулларини имкониятларини ўрганиш;

болалар СВГ ни комплекс нур диагностикаси тизимида (МСКТ, МРТ, СИ) замонавий ултратовуш текшируви технологияларининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

сурункали вирусли гепатитларнинг комплекс босқичма-босқич клиник-эхографик диагностикасини дастурини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Сурункали вирусли гепатит (СВГ) билан оғриган 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 270 та бола текширув объекти бўлиб ҳисобландилар, улар орасида 207 бола СВГ (76,7%), 43 бола СГС (15,9%), 20 бола СГД (7,4%) билан оғриган. Сурункали вирусли гепатитнинг минимал фаоллик даражаси 68 (25%) болада, ўрта фаоллик даражаси 117 (43%) болада ва юқори фаоллик даражаси 85 (32%) болада аниқланган.

**Тадқиқотнинг предмети.** СВГ билан касалланган болаларнинг клиник-лаборатор ва комплекс эхографик текширув натижалари, РИПИАТМ, ТошПТИ маълумотлар базаси, РИПИАТМ, ТошПТИ статистик маълумотлари, РИПИАТМ, ТошПТИ моддий-техник базаси, РИПИАТМ, ТошПТИ тиббий ҳужжатлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Текширувнинг умумклиник, биокимёвий, специфик лаборатор, инструментал, нур: юқори частотали кулранг

эхография, ултратовуш доплерография, 3D/4D технологиялар, мултислайс кулранг шкалалари эхогепатографияни қамраб олувчи комплекс эхографик текширувлар, шунингдек, кўп кесимли КТ, МРТ, СИ ва статистик усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали вирусли гепатит билан касалланган болаларда жигардаги патологик жараённинг фаоллик даражасини белгиловчи аниқ илмий асосланган клиник-лаборатор ва эхографик паралеллари аниқланган;

жигардаги патологик жараён фаоллиги даражасини инобатга олган ҳолда жигар ва талокни юқори частотали кулранг шкалалари текшируви, доплерография, 3D/4D эхография, мултислайс эхогепатография ва эластография қўлланиладиган босқичли эхография ўтказиш технологияси илк бор мукамаллаштирилган;

СВГ кечишининг фаоллик даражасини акс эттирувчи ва портал гипертензиянинг эрта босқичларини аниқлашга имкон берувчи жигар ва талок томирларидаги қон оқимининг сифатий ва миқдорий доплерографик кўрсаткичлари аниқланган;

сурункали вирусли гепатит билан касалланган болаларда касалликни фаоллик даражасига боғлиқ равишда жигар паренхимаси эластиклиги ва фиброз даражасини миқдорий ва сифатий баҳолашга имкон берувчи усул ишлаб чиқилган;

фаоллик даражаси турлича бўлган СВГни эрта аниқлаш ва башоратлашда ҳар бир эхография усулининг (юқори частотали кулранг шкалалари эхография, доплерография, 3D/4D эхография, мултислайс эхогепатография ва эластография) имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

СВГ билан касалланган болаларда жигар, ўт пуфаги ва талокни замонавий эхография технологияларини инобатга олган ҳолда комплекс клиник-лаборатор ва эхографик усуллари босқичли қўллашнинг диагностик дастури таклиф қилинди;

Тадқиқот натижалари болаларда жигар ва талокдаги структур, гемодинамик ва функционал ўзгаришларни эрта ва ўз вақтида аниқлашга йўналтирилган комплекс клиник-эхографик диагностик чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** текширувнинг клиник, вирусологик, биокимёвий, специфик, инструментал ва статистик усулларининг объектив кўрсаткичлари билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Олинган натижалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, СВГ билан касалланган болаларда жигар ва талокдаги структур, гемодинамик ва функционал ўзгаришларни эрта ва ўз вақтида аниқлашга йўналтирилган комплекс клиник-эхографик диагностик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

Болаларда СВГни комплекс эхографик текширув усуллари билан мажмуасига асосланиб яратилган диагностик дастур юқори амалий аҳамиятга эга: СВГ билан касалланган беморларда, касалликнинг паст фаоллик

даражасида клиник-лаборатор, кулранг шкалали ва доплерографик усулларнинг қўллаш тавсия этилади, касалликнинг ўрта ва юқори даражадаги фаолликларида клиник-лаборатор, кулранг шкалали, доплерографик, 3D/4D эхография, мультислайс эхогепатография ва эластография усулларнинг қўллаш мақсадга мувофиқ; комплекс клиник-лаборатор, эхографик текширувларни қўллаш ташхислаш сифатини оширишга, жигарнинг сурункали вирусли патологияси билан касалланган болаларни рационал даволаш чораларини ишлаб чиқишга сабаб бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда комплекс текширувларнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали сурункали вирусли гепатитларни ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ишлаб чиқилган «Болалардаги сурункали вирусли гепатитларнинг фаоллик даражасини аниқлаш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 05469 26.09.2017й.). Таклиф этилган усулнинг жорий этилиши болаларда кечувчи СВГни эрта ташхислаш ва фаоллик даражасини аниқлаш имконини берган;

«Болаларда сурункали вирус гепатитларни комплекс эхографик текширувларини қўллаш» мавзусидаги услубий тавсияномалар тузилган ва тасдиқланган (ЎзР ССВнинг 05.12.2017й.даги №8н-д/61-сон хулосаси). Ушбу тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган ва болаларда СВГни ташхислаш информативлигини оширишга йўналтирилган бўлиб диагностика ва даволаш сифатини оширган;

В, С, D сурункали вирусли гепатитлар билан оғриган беморлар даволанадиган Педиатрия РИПИАТМ гепатологик марказининг амалий ишига жорий қилинган. Текширув натижалари ТошПТИ клиникаси амалий фаолиятига, Тошкент вилояти Зангиота тумани Марказий Кўптармоқли поликлиникаси фаолиятига, ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ўқув жараёнига тадбиқ қилинган (ЎзР ССВнинг 05.12.2017й.даги №8-9-3/1562-сон хулосаси). Ушбу касаллик бўлган болаларда текширув натижаларининг жорий қилиниши ташхислашнинг, бемор боланинг жароҳатланиши билан боғлиқ бўлган, кўп маблағ талаб қиладиган (МРТ, КТ), юқори ионловчи (КТ) ва биопсиянинг инвазив усулларига бўлган харажатларнинг қисқаришига имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 110 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 38та мақолалар: 18та махаллий ва 20та хорижий журналларда. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола чоп этилган. 2 та ўқув қўлланма ва 3та услубий тасияномалар нашрдан чиққан, 1 та ихтиро патенти, 2 та ЭХМлар учун мулжалланган дастурий махсулотлар олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 205 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** муаммонинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, илмий янгилик, илмий-амалий аҳамият, тадқиқот натижаларининг қўлланилиши, ишнинг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши асосланган.

**«Болаларда сурункали вирусли гепатитларни комплекс клиник-эхографик диагностикасининг замонавий ҳолати»** диссертациянинг биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда сурункали гепатитлар В, С, D ҳақида замонавий тасавурлар таҳлил қилинган. Хорижий ва маҳаллий адабиётлар манбаси мисолида болаларда СВГ ни ташхислашнинг эпидемиологик, клиник, биокимёвий, комплекс ултратовуш усуллари замонавий ҳолатининг таҳлили акс эттирилган. Аналоглар ёритилиб, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари объектив баҳоланиб берилган.

Диссертациянинг **«Текширув материаллари ва усулларининг умумий тавсифи»** номли иккинчи бобида тадқиқот объектлари, материаллари ва усуллари, олиб борилган тадқиқотларнинг тавсифи баён этилган. 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган сурункали вирусли гепатит билан оғриган 270 нафар бола текширувдан ўтказилиб, улар орасида 207 (76,7%) нафар бола СГВ, 43 бола СГС (16%), 20 (7,5%) бола СГD билан оғриганлиги ва улар орасида 68 (25%) болада СВГ патологик жараёнининг минимал даражадаги, 117 (43%) болада ўрта даражадаги ва 85 (32%) болада юқори даражадаги фаоллиги аниқланган.

Яқуний ташхис тўлақонли комплекс клиник, биокимёвий, серологик, мултипараметрик эхографик ва нур диагностика усуллари қўлланилганидан кейин шакллантирилган. Ўрганилаётган параметрлар бўйича яқуний яхлит хулоса фақат комплекс диагностика усуллари (референс усул) асосида берилган.

61 та та практик соғлом болаларда жигар, ўт қопи ва қора талоқнинг ултратовуш анатомияси хусусиятлари ўрганилди (назорат гуруҳи).

Барча кўрувдан ўтган беморлар гепатологик амалиётда умумқабул қилинган клиник-лаборатор текширувдан ўтказилди. Болаларда СВГ нинг клиник кўриниши синдромал ўрганиб чиқилди: астеновегетатив, диспепсик, холестатик, геморрагик, гепатомегалия ва спленомегалия синдромлари.

Қоннинг биокимёвий текшируви АлАТ, АсАТ фаоллиги, умумий оқсил ва унинг фракциялари миқдори, ишқорий фосфатаза, умумий ва боғланган билирубин, гамма-ГТП тимол синамаси кўрсаткичларини аниқлашни ўз ичига олди. Кўрсаткичлар «Optima» фирмасининг коммерция тўплами ёрдамида «NUMEN» (Германия) тўпламидан фойдаланиб ФП-901 биокимёвий анализаторида унификацияланган усуллар билан аниқланди.

Вирусологик верификация «HUMEN» (Германия) фирмасининг тўпламидан фойдаланиб ИФА усули билан HBsAg, HBsAb, HBeAg, HBeAb, суммар HBcAb, HCVAb, HDVAb ларни аниқлаш асосида ўтказилди.

Полимераз занжирли реакция усули билан қонда HBV-ДНК ни аниқлаш «Авиценна» тижорат тест-тизимидан фойдаланиб ООО «Gentexservis» да ўтказилди (Россия).

Касалликнинг этиологияси В гепатити маркерлари - HBV (HB<sub>s</sub>Ag, HB<sub>e</sub>Ag, анти- HB<sub>s</sub>, анти- HB<sub>e</sub>, анти- HB<sub>c</sub>), С гепатити маркерлари - HCV (анти-HCV и РНКHCV) ва D гепатити маркерларининг- HDV-РНК (анти-HDV, HB<sub>s</sub>Ag, анти-HB<sub>s</sub> ) мавжудлигига қон зардобининг серологик текширувини ўтказиш йўли билан аниқланди.

Жараённинг фаоллиги ҳақида клиник симптомларнинг ифодаланганлиги, қон зардобда биокимёвий кўрсаткичларнинг фаоллиги, ҳамда жигар ва қора талокнинг инструментал текшируви маълумотлари, портал гипертензиянинг мавжудлигига кўра фикр билдирилади. Патологик жараён фаоллигининг клиник-лаборатор кўринишини баҳолашда Ф.И.Иноятова ва ҳаммуаллифларнинг клиник тавсияларига амал қилинди (2002).

Текширувларимизда комплекс эхографиянинг босқичма–босқич усули тақдим қилиниб, у қуйидаги махсус сканирлаш режимларини босқичма-босқич ўтказилишини ўз ичига олади: юқори частотали кулранг шкалали эхография, ултратовушли доплерография, 3D/4D технологияси, мултислайсли кулранг шкалали эхогепатография ва эластография.

Биринчи босқичда В-режимда жигарнинг анъанавий УТТ усули чалқанча ётган болани полипозицион сканерлашни ўз ичига олган.

Тадқиқотни иккинчи босқичда доплерография амалга оширилган. СВГ билан касалланган барча болаларга ултратовуш доплерографияси олиб борлган ҳамда текшириляётган томирлардаги (truncus coeliacus, умумий жигар артерияси, талоқ артерияси, дарвоза венаси, жигар венаси, талоқ венаси) қон оқимининг сифатий ва миқдорий кўрсаткичлари аниқланди. Қон оқимининг чизиқли тезлиги, ҳажмли тезлиги, резистентлик ва пулсативлик индекслари текширилди.

Учинчи босқич - уч ўлчамли (3D) ва тўрт ўлчамли (4D) эхография усули анъанавий икки ўлчамли (2D) сканерлашни вақтнинг реал масштабида ҳажмли тасвирга айлантирилиши натижасидир. Тадқиқотларимизда 3D УТТ жигарни уч ўлчамли ҳажмли тасвир сифатида ўрганишга имкон бериб, 2D режимдан фарқли равишда, эни ва бўйини ўлчашдан ташқари энди аъзони чуқурлигини ўлчашга ҳам имконият туғилди. 4D режимда энди текшириляётган аъзони вақтнинг реал масштабида ҳаракатланишини ҳам кўриш имконияти пайдо бўлди. 3D режимининг энг катта авзаллиги - бу оддий сканерлаш вақтида кўриш имконияти бўлмаган ултратовуш кесимларини олиш имконияти мавжудлигидир.

Тўртинчи босқич - 0,1-0,5 мм қалинликдаги мултислайс кулранг шкалали қаватма-қават томографик кесимлар ёрдамида СВГ билан касалланган болалар жигаридаги фиброзли соҳаларни аниқ анатомик

жойлашуви ва чуқурлигини аниқлашга ва томир архитектоникасини баҳолашга имкон берди.

Бешинчи босқич - эластография ва эластометрия биз ихтиро учун патентда белгиланган методика асосида олиб борилган (№ IAP 05469, 26.09.2017й.). Ушбу усулнинг бошқа муаллифлар тасвирлаган усуллардин фарқи шундаки, аввало сифатий ва миқдорий биометрик ўлчамларнинг характерини ўрганиш, ўзгарган соҳаларни аъзо сегментлари бўйича жойлашишини аниқлаш учун болаларга жигарнинг ултратовуш текшируви олиб борилиб, диффуз ўзгаришларга шубҳа пайдо бўлганда (клиник-лаборатор, кулранг шкалали ултратовуш усуллар натижасида) жигарнинг томирсиз сегментларида компрессион эластография ва эластометрияни қўллаш орқали жигар паренхимаси қаттиқлиги хусусиятлари аниқланган.

Эластография ва эластометрияни амалга оширишда икки ўлчамли текширув маълумотларига қараб жигарнинг 5-8 сегментида томирсиз соҳа танланган, негаки жигарнинг бошқа соҳаларидаги эластографиянинг натижаларига қорин аортаси ва юракнинг қисқаришлари таъсир кўрсатиши мумкин. Қаттиқлик ўлчаниши фақатгина қизиқиш зонаси тинч ҳолатда ранг билан бир текис тўлган ва ушбу бўялиш 3-4 сония давомида турғун сақланган вазиятда олиб борилган. Минимал, максимал ва ўртача эластометрия 10 дан ортиқ эластограммалар натижалари бўйича амалга оширилган. Ҳар бир рангли эластограммада 4 та ўртача ўлчаш ( $E_{mean}$ ) олиб борилган. Бунда кўк рангли тасвир қаттиқ тўқимани белгилаб, эластиклик модулининг (кПа) юқори кўрсаткичлари билан ифодаланган. Қаттиқлашмаган, эластиклик модули паст бўлган тўқима қизил-сарик рангларда тасвирланган. Қизиқиш зонасида эластографик тасвирнинг рақамли ифодаси (кПа) олинган. Маълумотларнинг миқдорий ифодаси кўрсатилган сегментлар бўйича олиниб, кейинчалик эластометриянинг кПа даги ўртача кўрсаткичлари ўлчанган. Бунда қизиқиш зонасининг диаметри 10 мм ни, ўлчаш чуқурлиги 2-7 см ни ташкил этган. Компрессион механик эластографиянинг абдоминал дастури қўлланилган.

Жигарнинг фиброзли ўзгаришини баҳолаш учун халқаро METAVIR классификациясидан фойдаланилган.

Турғун кўк рангли тасвир олиниб, эластометриянинг ўртача кўрсаткичлари  $E_{mean}$  5,4-7,2 кПа оралиғида бўлганда сурункали вирусли гепатитнинг фаоллик даражаси паст, эластометрия кўрсаткичлари 7,3-9,3 кПа оралиғида бўлса ўрта, эластометрия кўрсаткичлари 9,4-12,2 кПа оралиғида бўлса - юқори деб баҳоланган.

Текширувда олинган маълумотларга Microsoft Office Excel-2003 дастурий пакети ёрдамида, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов функцияларини қўллаган холда Pentium-IV персонал компютерида статистик ишлов берилди. Тақсимотни тўғрилигини текширишда (экспресс мезони бўйича) ва генерал дисперсияларини тенглигини (F –Фишер мезони) хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича статистик ишлов усуллари қўлланилди. Ишончлик даражаси  $P < 0,05$  бўлган ўзгаришлар статистик аҳамиятга эга деб қабул қилинди. Ультратовуш

усулининг информативлиги текширувнинг сезгирлиги, спецификлиги ва аниқлиги мезонлари билан аниқланди.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларнинг клиник, биокимёвий ва серологик текширувлар натижалари**» да ушбу йўналишдаги текширувнинг натижалари кўрсатиб берилган.

Болаларда сурункали вирусли гепатит ташхисини қўйиш учун текширувнинг умумклиник, махсус лаборатор ва инструментал усулларини ўз ичига олган комплекс текширувлар қўлланилди.

В, С, D сурункали вирусли гепатити билан оғриган болаларда клиник белгилари синдромлар асосида ўрганилди. Бунда СВГ клиник белгилари учун полиморфизм хослиги ва уларнинг фаоллик даражаси жигардаги патологик жараён фаоллиги ортиб боргани сайин кучайиб бориши ўрганилди. СВГнинг этиологик сабабларига кўра клиник симптомлар даражаси боғлиқ эмаслиги аниқланди.

СВГ билан касалланган беморларнинг клиник синдромлари нафақат асосий касалликка урғу берилган ҳолда, балки кўп учрайдиган йўлдош патологияни инобатга олган равишда ҳам кўриб чиқилди. Йўлдош касалликларнинг хусусиятлари, жигардаги патологик жараён фаоллигига боғлиқ равишда, турлича бўлган.

СГВ да кўп ҳолларда ичак дисбактериози аниқланган. Патологик жараён фаоллашгани сайин меъда-ичак тракти патологияси ва яллиғланиш анемияси учраш частотаси ортиб борган. СГС да икки ва ундан ортиқ йўлдош патологияларни биргаликда келиши аниқланиб, улардан ичак дисбактериози, анемиялар, сурункали холециститнинг кўпроқ аниқланган. СГД учун икки. уч ва ундан ортиқ йўлдош касалликларнинг биргаликда учраши хосдир. СГВ да йўлдош патология асосий касалликнинг кечиши ва яқун топишига аҳамиятли таъсир кўрсатди.


Шифохонадаги СВГ билан оғриган болаларда клиник белгилари хилма-хил бўлган. Болаларда СВГ нинг клиник манзараси астеновегетатив, диспепсик, холестатик, геморрагик, гепатомегалия ва спленомегалия симптомларининг йиғиндисига асосан баҳоланган, ва жигардаги патологик жараённинг фаоллик даражаси билан белгиланган.

Холсизлик, тез чарчаш каби *астеновегетатив синдромнинг* белгилари кўп ҳолларда болаларни шифохонага ётқизишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади, иштаҳанинг пасайиши барча беморларда (100%) аниқланган, унинг ифодаланганлиги СВГ фаоллиги ошиб бориши билан кучайган. Бош оғриғи, уйқунинг бузилиши минимал фаолликда  $20,0 \pm 5,6\%$  дан, ўртача фаолликда мос равишда  $45,0 \pm 7,0\%$  ва  $33,0 \pm 6,3\%$  аниқланган ва патологик жараённинг кучли ифодаланганлигида  $94,0 \pm 3,3\%$  ва  $49 \pm 7,0\%$  учраган. *Диспепсик синдром* шу билан харктерланганки, касаллик фаоллигининг ошиб бориши билан кўнгил айнаши мос равишда  $30,0 \pm 6,4\%$ ,  $90,0 \pm 3,0\%$  ва  $95,0 \pm 1,9\%$  ҳолатларда аниқланган, қушиш эса ўртача фаолликда  $12 \pm 4,5\%$  да, кучли ифодаланган фаолликда эса СВГ билан оғриган беморларнинг  $18 \pm 5,4\%$  да аниқланган. Тилнинг қараш билан қопланиши барча беморларда (100%)

аниқланган. Касалликнинг зўрайиши билан терининг қуруқлашиши, қориндаги оғриқ (ўнг қовурға ости ва эпигастрия соҳасида тўмтоқ оғриқ), ич келиши бузилишининг (қабзият ва диарея кўринишида) частотаси ва оғирлиги ошиб борган. Склера ва тери иктериклиги билан намоён бўлувчи *холестатик синдром* жараён фаоллигининг зўрайиши билан мос равишда  $16\pm 5,1\%$ ,  $44,0\pm 7,0\%$  ва  $98\pm 5,6\%$  ҳолатларда учраган. Бурундан қон кетиши ва милкларнинг қонаши кўринишидаги *геморрагик синдром*  $98,0\pm 5,6\%$  ҳолатларда кучли ифодаланган фаолликда,  $14,0\pm 6,3\%$  ҳолатларда минимал,  $70,0\pm 6,4\%$  ҳолатларда ўрта даражадаги фаолликда устунлик қилган. Пальмар эритема ( $42\pm 6,9\%$ ,  $70,0\pm 6,4\%$ ,  $100\%$ ), томирли юлдузчалар ( $42,0\pm 6,9\%$ ,  $70,0\pm 6,4\%$ ,  $90,0\pm 3,0\%$ ), кўкрак кафаси ва қориндаги томирли тўр ( $24,0\pm 5,8\%$ ,  $94,0\pm 6,2\%$ ,  $100\%$ ) характерли *жигардан ташиқари белгилар* бўлган. СВГ билан оғриган барча болаларда гепатомегалия объектив симптомларнинг етакчи клиник белгиси бўлиб ҳисобланади. Жараённинг фаоллик даражасига кўра жигар ўлчамлари турлича бўлган. Шунингдек жигар ва қора талоқнинг ўлчами СВГ нинг фаоллик даражасига боғлиқ бўлган. Шундай қилиб, жигар ўлчамининг 3 см гача катталашиши кўпинча ( $72,1\pm 5,4\%$ ) фаолликнинг минимал даражаси бўлган беморлар гуруҳида аниқланган, кам ҳолларда эса ўрта даражасидаги гуруҳда учраган ( $16,4\pm 3,4\%$ ). Фаолликнинг юқори даражаси бўлган биронта ҳам беморда жигар ўлчамининг 3 см гача катталашиши кузатилмаган. Жигарнинг 5см дан ортиққа катталашиши фаолликнинг юқори даражаси бўлган СВГ билан оғриган болаларнинг  $54,8\pm 5,4\%$  ида аниқланган, фаолликнинг минимал даражаси бўлган гуруҳда эса атиги  $3,3\pm 2,3\%$  ҳолатларда кузатилган. Жигар консистенцияси минимал ( $100\%$ ) ва  $60,7\pm 3,4\%$  ҳолатларда ўртача фаолликда ўрта зичликда бўлган, юқори ва  $39,3\pm 4,1\%$  ҳолатларда ўртача фаолликда зич, юзаси силлиқ бўлган. Гепатомегалия  $100\%$  беморларда кузатилган, бироқ ўлчами касаллик зўрайиб бориши билан катталашган, жигар қовурға равоғи остидан фаолликнинг ўртача даражасида  $4,4-4,5$  см, фаолликнинг юқори даражасида эса  $5,1-5,2$  см чиқиб турган. Шунингдек қора талоқ катталашишининг частотаси ва ифодаланганлиги ҳам касалликнинг фаоллигига боғлиқ бўлган. Спленомегалия фаолликнинг юқори даражаси бўлган барча беморларда, фаолликнинг ўрта даражаси бўлган беморларнинг  $90\%$  ида ва СВГ нинг минимал фаоллиги бўлган беморларнинг  $10\%$  ида кузатилган. Қора талоқ ўлчами фаолликнинг ўртача даражасида  $4,9-5,1$  см га, юқори даражада эса  $10,7-10,8$  см га катталашган. Шунингдек болаларда қора талоқнинг ўлчамлари СВГ фаоллигининг ошиши билан катталаша борган. Фаолликнинг минимал даражаси бўлган болаларда қора талоқ  $2,6\pm 0,5$  см га, ўртача фаоллик бўлган болаларда -  $3,9\pm 0,4$  см, фаолликнинг юқори даражаси бўлган болаларда эса  $5,7\pm 0,5$  см га қовурға равоғидан чиқиб турган. Шундай қилиб, гепатолиенал синдромнинг ифодаланганлиги СВГ нинг фаоллик даражасига боғлиқ бўлган.


Юқорида баён қилинганлар шуни кўрсатадики, СВГ барча клиник синдромларининг частотаси ва ифодаланганлиги СВГ фаоллигининг ошиб бориши билан зўрайиб борган (расм 1).





Изох: \*- паст фаоллик даражасида беморлар кўрсаткичлари билан ишончли фарқ, ( $p < 0,05$ ); \*\* - ўрта фаоллик даражасида беморлар кўрсаткичлари билан ишончли фарқ.  
**Расм. 1.** Касалликнинг фаоллик даражасига кўра СВГ ли болаларда учрайдиган клиник симптомлар (АВС - астеновегетатив синдром; ДПС-диспепсик синдром; ХС-холестатик синдром; ГС-геморрагик синдром; ГМ-гепатомегалия; СМ-спленомегалия).

Этиологияга боғлиқ равишда болаларда СВГ клиник синдромларининг қиёсий тахлилида шу нарса аниқландики, болаларда СГВ, СГС ва СГД нинг клиник характеристикаси ва кечиши қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлган (расм 2).



Изох: \*-СГВ ли беморлар кўрсаткичлари билан ишончли фарқ, ( $p \leq 0,05$ ); \*\* - СГС ли беморлар кўрсаткичлари билан ишончли фарқ.  
**Расм 2.** Этиологияга боғлиқ равишда (СГВ, СГС, СГД) болаларда СВГ клиник синдромларининг қиёсий тахлили. (АВС - астеновегетатив синдром; ДПС-диспепсик синдром; ХС-холестатик синдром; ГС-геморрагик синдром; ГМ-гепатомегалия; СМ-спленомегалия).

Шундай қилиб, болаларда СГВ тез чарчаш, эмоционал нотурғунлик, иштаҳанинг пасайиши, меъда-ичак трактининг дискомфорт белгилари кўринишидаги интоксикация ва диспептик ҳолатларнинг (кўнгил айнаши,

ўнг вовурға остида оғирлик ҳисси, метеоризм) кучли ифодаланган белгилари билан характерланади.

СГС узоқ вақт субклиник кечган, унинг кўп йиллар давомида кам симптомли ва ҳатто симптомсиз кечиши билан торпид, латент кечиши ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади. Кўпинча СГС ни кўриқдан ўтказишда тасодифан аниқланган. Касалликнинг эрта даврларида СГС симптомларининг камлиги билан характерланган, баъзи ҳолатларда болаларда клиник кўриниши жигарнинг шикастланиш даражасига мос келмаган. Тадқиқотимиз давомида клиник белгилардан жигар ва талок ўлчамларининг катталашуви, АВС белгилари, камроқ ифодаланган геморрагик ва холестатик синдромлар аниқланган.

Сурункали вирусли гепатит В, С, D лар билан оғриган болаларда диагностиканинг биокимёвий усуллари кўрсаткичларини ўрганишда шу нарса аниқландики, сурункали вирусли гепатитларни ташхислашда фойдаланиладиган биокимёвий лаборатор тестлар носпецификдир. Улар касалликнинг этиологияси ҳақидаги маълумотни бермайди, бироқ жигар шикастланиши ва унинг функцияси ҳолатини акс эттиради. Биокимёвий кўрсаткичларни баҳолаш жигар-хужайра етишмовчилигини кўрсатувчи қатор синдромларни ажратишга имкон берди: цитоллиз, мезенхимал-яллиғланишли, гепатоприв ва холестатик синдромлар.


*Цитоллиз синдроми* учун характерли бўлган биокимёвий кўрсаткичларнинг натижалари шуни кўрсатдики, зардоб аминотрансферазаларининг ошиши кўпинча СВГ фаоллигининг ягона лаборатор белгиси бўлиб қолди. Жигардаги жараён қанчалик оғир кечса, ферментлар фаоллиги даражаси шунча юқори бўлган, шунинг учун уларни аниқлаш касалликнинг оғирлик даражасини баҳолашга имкон беради. Минимал фаолликдаги сурункали вирусли гепатитда ферментлар даражасининг ошиши кам кузатилган. Цитоллиз синдроминанинг ифодаланганлигидаги етарли даражадаги тафовутлар кўрувдан ўтказилган бемор болалар гуруҳида касалликнинг клиник кўриниши ва цитолитик жараённинг фаоллиги орасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатади.

*Мезенхимал-яллиғланиш синдроми* тимол синамаси ва гамма-глобулиннинг кўрсаткичлари билан ифодаланиб, ушбу кўрсаткичларининг ошиши СВГ фаоллигининг даражасига боғлиқ бўлган.

СВГ кечишининг динамикасида *холестаз синдроми* муҳим патогенетик аҳамиятга эга. СВГ фаоллигининг зўрайиши билан холестатик синдромнинг ифодаланганлиги ошиб борди. Умумий билирубиннинг ортиши, боғланган билирубиннинг пайдо бўлиши ва даражасининг ортиши, ишқорий фосфатаза ҳамда холестерин миқдорининг ортиши ҳам бевосита жигардаги патологик жараённинг фаоллик даражасига боғлиқ бўлган.

Шунингдек *гепатоприв синдроми* ифодаланганлигининг кўрсаткичлари тўғридан-тўғри СВГ нинг фаоллик даражасига боғлиқ бўлган ва қон зардобида умумий оқсил даражасининг пасайиши, албумин кўрсаткичининг пасайиши, фибриноген ва протромбиннинг камайиши билан намоён бўлган.

Шундай қилиб, СВГ билан касалланган болаларда биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришлари жигар-хужайра етишмовчилиги рўй бераётганлигидан далолат бериб, жигардаги патологик жараён фаоллиги ортиб боргани сайин уларнинг ифодаланганлик даражаси кучайиб боради (расм 3).



Изоҳ: \*- паст фаоллик даражали беморлар кўрсаткичлари билан ишончли фарқ, ( $p < 0,05$ );  
 \*\* - ўрта фаоллик даражали беморлар кўрсаткичлари билан ишончли фарқ.

**Расм 3.** Жигардаги патологик жараён фаоллигига боғлиқ равишда СВГ билан касалланган болаларнинг биокимёвий текширувлари кўрсаткичлари.

Биокимёвий текширув натижаларини вирусологик, иммунологик, клиник, инструментал маълумотлар билан уйғунликда кўриб чиқш лозим. Комплекс ёндошув болаларда жигардаги патологик жараённинг келиб чиқиши, босқичи ва кечишининг характери хақида муҳим маълумотни беради.

Текширувнинг специфик усуллари (вируслар, антиген ва уларга антитаналарни аниқлаш) этиологияни аниқлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. В, С, D сурункали вирусли гепатитлар билан оғриган болаларда диагностиканинг махсус лаборатор усулларининг (серологик) кўрсаткичларини ўрганиш СГВ билан оғриган беморларнинг қон зардобиди  $HB_sAg$ ,  $HB_eAg$ , анти- $HB_s$ , анти -  $HB_e$ , анти -  $HB_c$  ва  $HBV$  ДНКни; СГС билан оғриган беморлар қон зардобиди - анти- $HCV$  и РНК  $HCV$ ; СГД билан оғриган беморларда эса анти- $HDV$ ,  $HB_sAg$ , анти- $HB_s$  ва  $HDV$ -РНК ни аниқлашни ўз ичига олган. Тадқиқотлар ИФА ва ПЗР усуллари ёрдамида олиб борилган.

Тадқиқотлар натижасига кўра барча текширилган беморларда СВГнинг асосий маркерлари аниқланиб, улар вирусни қонда мавжуд эканлигини билдирувчи, вирусни фаол репликацияси маркерларидир.

Диссертациянинг «**Сурункали вирусли гепатит билани касалланган болаларнинг комплекс ултратовуш текшируви натижалари**» тўртинчи бобиди жигар, ўт пуфаги ва талоқнинг ноинвазив, ноионлаштирувчи комплекс эхографик текширувлар натижалари келтирилган. Текширувлар комплекс эхографиянинг қуйидаги босқичларини ўз ичига олган: жигар, ўт пуфаги ва талоқни кулранг шкаладаги миқдорий ва сифатий анализи; иккинчи босқич - қорин пояси, умумий жигар артерияси, талоқ артерияси, дарвоза венаси, талоқ венасини доплерографик текшируви; 3D/4D технологиялар; мультислайс эхогепатография; жигарнинг ультратовуш эластографияси ва эластометрияси. СВГ билан касалланган болаларда жигар ва талоқнинг эхографик манзараси патологик белгиларнинг хилма-хил кўринишлари билан намоён бўлган, ва жигар паренхимасининг ва эхогенлигининг ўзгариши энг муҳим диагностик мезонлардан бири бўлган.

СВГ нинг минимал фаоллик даражаси бўлган бемор болларда кулранг эхография натижалари жигар ва талоқ эхографик кўрсаткичлари нормада бўлганини кўрсатган. Бунда  $83,0 \pm 4,55\%$  беморларда паренхиманинг майда ўчоқли эхоструктураси,  $17,0 \pm 4,55\%$  беморларда ўрта ўчоқли эхоструктураси аниқланган. Шунингдек,  $77,0 \pm 5,1\%$  беморларда жигар эхогенлигининг кучсиз ортиши,  $23,0 \pm 5,1\%$  беморларда ўрта даражада ортиши аниқланган. Ўт пуфаги томонидан деворларининг қалинлашуви ( $70,0 \pm 5,56\%$ ), таркибиди ногомоген ўт бўлиши ( $34,0 \pm 5,74\%$ ), туби, танаси ва ёки бўйнида эгриликлари бўлиши ( $63,0 \pm 1,85\%$ ) аниқланган. СВГ нинг минимал фаоллик даражасида томирлар манзарасининг аниқлиги сақланган. Дарвоза венаси диаметри барча болаларда 5мм дан 8 мм гача бўлиб,  $V.lienalis$  кенгайиши ва томир девори аниқлигининг бузилиши бундай фаоллик даражасига эга беморларда кузатилмаган, яъни УТТ маълумотларига кўра СВГ нинг минимал фаоллик даражаси бўлган болаларда портал гипертензия белгилари бўлмаган. Бунда биз ўт пуфаги томонидан ишончли ўзгаришларни аниқладик. СВГ нинг ўрта фаоллик даражаси билан касалланганлар жигари ва талоғи кулранг шкала эхографиясининг маълумотлари минимал фаоллик даражаси билан оғриган болаларникидан аҳамиятли фарқ қилган. Жигар паренхимаси майда ўчоқли структурага  $45,0 \pm 4,59\%$  болаларда, ўрта ўчоқли

